МИРТЕМИР



Дўстлар даврасида

CamScanner

баҳо шоирлар учун ҳам улуғ йўлланмадир. Бу беш йиллик ҳамма соҳа учун — дастгоҳ бошида турган ишчи учун ҳам, машинасоз учун ҳам, кончи учун ҳам, бобо деҳқон учун ҳам, бобо чўпон учун ҳам, кимёгар аллома учун ҳам бирдек сифат беш йиллигидир. Сифат беш йиллигининг шеърият учун ҳам ўта тааллуқли эканлиги сўзсиздир.

1971

ҚОЗОҚ ПОЭЗИЯСИ ТЎГРИСИДА

Қозоқ поэзияси улкан совет поэзиясининг бақувват бир дастаси! Ҳозирги қозоқ поэзиясининг Абдулла Тожибойи, Тойири, Сирбойи, Жубани, Турсунхони, Қувондиғи бор. Булар ўша Обой, ўша Жамбул, ўша Садиваққос ога (Сакен), ўша Собит огалардан кейинги миқти номлар, миқти қаламлар. Поэзиянинг меҳнаткашлари! Буларнинг ҳаммасига ўрта бир ўхшашлик бор. Шу билан бирга бу номлар бўлак-бўлак, ҳар қайсиси бир дунё, ҳар қайсининг ўз йўли, ўз йўсини, ўз темаси, ўз дастхати, ўз сиёқи бор.

Сирбой — бизга таниш ва қадрли шоир. У шингил шеърлар, лирик картиналар устаси. Сирбойнинг шеърлари Олатов булоғидай шилдираб, кумуш жаранг бериб оқади.

Жубан шеърлари жарангли, тўлқинли. Жубан шеърларида давр овози, замонга ўта оҳангдошлик бурқираб туради. Жубан, менимча, лиро-эпик рубоб эгаси. Бу рубоб унинг қўлида ўз авжига кўтарилмоқда. «Мен қозоқмен» поэмаси ўша авж пардаларда чалинган зўр қасидадир.

Турсунхон ҳам ўта лирик, ҳаётий, воқеий шеърлар яратувчи, новик, теран шоира. Турсунхон кўп жиҳатдан, ўз эшига, бизнинг суюкли шоира Зулфияхонимга яқин. Турсунхон шеърлари ўзи ижро этгувчи машҳур «Оқ шунқор» қўшиғидай баландпарвоз ўланлардир.

Абдулла шеърлари ўзбек китобхонига кўпдан суюкли бўлиб қолди.

Абдулла Тожибой поэзияси ҳақида мен ўз билганларимни неча бор айтганман. Бу поэзия ҳикматли, фалсафали, замонга ўта керакли, етакчи поэзия — Абдулла поэзиясида қозоқ юрти, қозоқ табиати ва манзаралари, қозоқ характери дарров ва яққол кўзга ташланади. У чиакам образли ва ширали халқ тилида жаранглагувчи поэзия!

Умуман бу ўртоқлар ёнига тағин қатор номларни қўшиб, қозоқ поэзиясининг етакчи кучлари ва заҳматкашлари шулар, десам айни ганни айтган бўламан. Лекин бу номлар ёнига бир ўқиғувчи ва қаламкаш сифатида янги ҳам порлоқ номларни қўшиб айтгим келади: булар Ғафу Қайирбек, Ўлжас Сулаймон, Қодир Мирзағали, Шомил Муҳаммаджон, Истой Мамбет. Мен ҳозир айтган шу номларда қозоқ поэзиясининг келажагини кўрдим. Булар ўз огаларининг энг яхши анъаналарини эгаллаб, имилламасдан югураётган, парвоз этаётган ва борган сари юксакроқ кўтарилаётган укаларимдир.

Бундай чиройли ва тарихий учрашувлар бир-биримиздан ўрганиш учун мактабдир. Ҳатто академиядек ҳикматга эгадир. Бир-биримиздан ўрганиш, бир-биримизни бойитишнинг биринчи воситаси — таржима. Биз қозоқни тўла тушуна оламиз, лекин қозоқ бизни тушуниши оғир. Негаки, алифбомизда жиндек чалкашликлар ҳали ҳам бор. Бу биринчи галда, *а, о, у, нг,* ҳарфларидаги қийинчиликлардир. Ўйлайманки, бу кемтиклар ҳам тўлиб кетар.

Навоий бобомиздан қолмиш бир вазн бор, бу 4+4+ +5 туроқлик вазн:

Жондан сени кўп севарман, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севарман, эй умри азиз,
Ҳар нениким севмак ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севарман, эй умри азиз.

Қаранг: бу ҳам аруз, ҳам бармоқ. Мен қозоқ шоирларидан таржима қилганимда мана шу ўн уч ҳижолик вазнга дуч келдим.

Таржимада эҳтиётқорлик зарурлигини тағин чизиб ўтаман.

Таржимада маърака йўсинидан воз кечмасак, юз қароликка судраши аниқ. Негаки пала-партиш, билар-билмас, тушунар-тушунмас таржима қилаверсак, қозоқ поэзиясининг обрўйи бир пул бўлади. Ҳозирги китобхон билан ҳазиллаша кўрмайлик. Кейин таржима қилиниши зарур бўлган асарлар тахланиб ётгани ҳолда, таржима қилинган асарларни таржима қилиш ҳам ортиқ деб ўйлайман. Ўша бир марта таржима қилинган асар номаъқул бўлгандагина қайта таржима қилиш маъқул.

Қозоқ шоирлари! Ёзинг. Биз ҳақимизда ҳам, бизнинг жумҳурият ҳақида ҳам ёзинг. Пахтакорларимиз, машинасозларимиз, механизаторларимиз ҳақида ёзинг. Биз эса сизнинг асарларингизни суюб-суюб бошимизга кўтариб ўқийлик.

1971

ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА

Ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳаёти ва тирикчилигимизнинг ҳамма соҳасида зарур гап. Менимча, бу бадиий ижод соҳасида зарурдан зарур. Ўйлашиб, кенгашиб ишлашда гап кўп.